

САМАРҚАНДНИНГ ИККИНЧИ УЙҒОНИШИ ЖАМИЯТ

№ 25 (995)
2026 йил
23 июль,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Сўнгги пушаймон...

«ТҲЙ ҚИЛМАЙ МЕН ҲЛАЙ»

Воҳалик бир дўстимиз тўйга айтди. Ўғлининг суннат тўйи экан. Беш юз кишилик ресторанга жой қилинган. Дастурхонда тошбақанинг гўшти, балиқнинг сутидан бошқа ҳамма нарса бор. Энг машхур қўшиқчилар шу ерда. Ҳамдам “Жанзе”ни уч марта айтди, Машхурбек “Сиқилма”ни айтавериб чарчаб кетди. Ҳуллас, маҳаллада дув-дув гап бўладиган тўй қилди танишимиз. Аммо уч кун ўтиб, унинг айтган илтимосидан шокка тушдим.

— Жўра, — деди у, — фалончи банкдан таниш топиш керак тез, тўрт юз миллионлик кредитга ариза топширганман. Раҳбари қўл қўйса бўлди экан.

Унинг ялинганнамо гапидан ҳайрон қолдим.

— Анави куни қилган тўйингга банкирлар ҳам хавас қилса арзийди...

— Э, тўй қилмай мен ўлай, — деди у гапимни бўлиб. — Бир дўстимдан бир йилда узаман, деб 40 минг кўкида қарз олувдим. Тўйнинг эртасига келиб ёқамдан бўғаяпти, ишкалим чиқти, деб. Шунга тез пул топиб, қарзни узмасам бўлмайди.

Бу гапларни эшитиб, ғалати аҳволга тушдим. **Қарз+кредит=тўй.**

Уйига ўт тушсин бундай тўйларни, бир кунлик аҳмоқона базмларни.

Мақсуд ХОН



Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев: «ҚОРАБОҒНИ ТИКЛАШДА БИЗГА БИРИНЧИ БЎЛИБ АЙНАН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗДИ»



Ўзбекистон ва Озарбайжон алоқалари замирида дўстлик ҳамда қардошлик муносабатларимиз ётади ва муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев билан шахсий дўстлигимиз бу муносабатларни янада юқори босқичга кўтарди.

Шуни таъкидлашим керакки, Қорабғони тиклашда бизга биринчи бўлиб айнан Ўзбекистон Президенти ёрдам қўлини чўзди. Фузулий шахрида Мирзо Улуғбек номидаги гўзал ва йирик мактаб бунёд этилди ва Шавкат Мирзиёев жаноблари билан биргаликда биз ушбу мактабнинг очилишини нишонладик. Ундан кейин бошқа қардош давлатлар ҳам бизга совғалар тақдим этишди — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, бироқ биринчи ёрдам айнан Ўзбекистондан келди.

Ҳар гал Ўзбекистонда бўлганимда, халқларимиз бир-бирига қанчалик яқин ва боғлиқ эканига

яна бир бор амин бўламан. Ёзма сўзларни кўрганда ҳеч қандай таржимага эҳтиёж қолмайди. Тилларимиз ҳам бир-бирига жуда ўхшаш. Табиий талаффузда бироз фарқ бор, лекин принципиал жиҳатдан ҳамма нарсаси тушунарли.

Бизни жуда буюк тарихий алоқалар бирлаштириб туради. Ва Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш биз учун устувор масалалардан биридир.

Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, Ўзбекистон ўзининг қардошлик миссиясини фақатгина мактаб билан яқунлагани йўқ.

Хонканди шахридаги биринчи йирик саноат корхонаси — тикувчилик фабрикаси ҳам айнан Ўзбекистон сармояси ҳисобидан очилди ва яна муҳтарам Президент Мирзиёев билан биргаликда биз ушбу фабрикага ташриф буюрдик.

Кўплаб иқтисодий ва саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳам Озарбайжон, ҳам Ўзбекистон инвестициялари киритилмоқда.

Биз қўшма инвестиция фондини ташкил этдик. Қиймати 500 миллион доллар бўлган ушбу инвестиция фонди ҳам Ўзбекистонда, ҳам Озарбайжонда турли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланади. Бугунги кунда Озарбайжоннинг «SOCAR» нефт компанияси Ўзбекистондаги жуда муҳим газ конига сармоя киритган. Ва умид қиламанки, яқин келажакда бизга хушхабар ва хушмузда етказишадди. Чунки бугун энергия хавфсизлиги масалалари, айниқса газ таъминоти кўплаб мамлакатлар учун ғоят муҳимдир. Умид қиламанки, «Кустук» конидаги қидирув-кашфиёт ишлари ижобий натижа билан яқунланади.

Озарбайжон — Марказий Осиё форматида келадиган бўлсак, бу ерда ҳам Президент Мирзиёевнинг бекиёс хизматлари ва алоҳида ўрни бор. Озарбайжон аллақачон тўлақонли аъзо сифатида ушбу Маслаҳат кенгашига қўшилди. Мен икки марта олий даражадаги учрашувларга (саммитларга) фахрий меҳмон сифатида таклиф қилинган эдим. Охириги марта эса энди Озарбайжон — Марказий Осиё ягона маслаҳат кенгаши тузилди. Ва бу бизни жуда ғурурлантиради, жуда

қувонтиради. Бу, айтишим мумкинки, ноёб бир воқеадир. Чунки географик жиҳатдан биз, тўғри, Жанубий Кавказда жойлашганмиз. Бироқ маданий, тарихий, этник алоқалар шунчалик кучли ва сиёсий муносабатлар шунчалик кўп қирралики, бизга дўст бўлган туркий тилли давлатлар бизни қабул қилишга қарор қилишди. Ва бу бугунги кунда геосиёсий ҳамда геоиқтисодий алоқаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бойси, амалда Марказий Осиё Озарбайжон билан ягона иқтисодий ва сиёсий маконда бирлашмоқда. Шу билан бирга, боғланишлар, транспорт ва логистика лойиҳаларини амалга ошириш йўналишида бунинг аҳамияти жуда катта.

Албатта, Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўра билиши ва стратегик қарашлари бу ерда ғоят муҳим рол ўйнади, деб айта оламан.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек қардошларимизни эришган барча ютуқлари муносабати билан табрикламоқчиман. Мен Ўзбекистонда тез-тез бўлиб тураман. Шубҳасиз, бу йил ҳам бораман. Ҳар гал борганимда янгиланишларни кўриб, жуда қувонаман.



ЁШЛАРИМИЗНИНГ РУҲИЯТИНИ АСРАЙЛИК

Инсоннинг шаъни, кадр-қиммати ва дахлсизлиги Конституция ҳамда қонунлар билан кафолатланган. Айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки болаларнинг жисмоний, маънавий ва руҳий соғломлиги жамиятнинг келажagini белгилайди.

16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш жамият маънавиятига, боланинг жинсий дахлсизлигига ва руҳий барқарорлигига қарши қаратилган оғир жиноятдир. Бу каби қилмишлар нафақат жабрланувчининг бугунги ҳаётига, балки унинг келажакдаги шахсий камолотига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган бундай жиноятлар учун қатъий жиноий жавобгарлик белгиланган. Тергов ва суд амалиётида мазкур тоифадаги ишлар алоҳида масъулият, эҳтиёткорлик ва қонун устуворлиги таъминланиши асосида кўриб чиқиладди. Зеро, боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар қандай манфаатдан устун туради.

Бироқ бу каби жиноятларнинг олдини олиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси эмас. Бу жараёнда ота-оналар, таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Фарзандлар билан самимий мулоқот қилиш, уларда шахсий хавфсизлик кўникмаларини шакллантириш, бегона шахслар билан муносабатда эҳтиёткорликка ўргатиш ҳар бир оиланинг муҳим бурчидир.

Шунингдек, таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, болаларга ўз ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш механизмлари ҳақида тушунча бериш профилактиканинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси шубҳали ҳолатларга бефарқ бўлмаслиги, болаларнинг ҳуқуқла-



ри бузилишига оид ҳолатлар ҳақида тегишли идораларга ўз вақтида хабар бериши зарур. Зеро, ўз вақтида кўрилган чора бир боланинг тақдирини асраб қолиши мумкин.

Ёш авлоднинг маънавий ва руҳий соғломлиги — мамлакат келажaginiнг мустаҳкам пойдеворидир. Шунинг учун ҳар биримиз фарзандларимиз хавфсизлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга дахлдор эканимизни унутмаслигимиз лозим.

Муҳаммаджон РУСТАМОВ,
Қарши ҳарбий прокурори ёрдамчиси,
адлия майори



«МАҲАЛЛА — ХАЛҚҚА ЭНГ ЯҚИН БОШҚАРУВ БЎЎНИ»



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгилаш ташкил қилиш бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бу йил инфратузилмани яхшилаш, одамлар ва тадбиркорлар учун шароит яратиш мақсадида туманларга ўртача 250 миллиард сўмдан, маҳаллаларга эса 5,5 миллиард сўмдан маблағ берилганини таъкидлади. Туман ҳокимлари ва маҳалла раисларининг тушум бўйича ваколатлари кенгайтирилгани натижасида ҳудудда қоладиган қўшимча даромад 2 баробаргача кўпайди. Туманларда ўртача 22 миллиард сўмдан қўшимча маблағ қолди, маҳалла бюджетига эса ўртача 150-200 миллион сўм тушди. “Лўнда айтганда, ҳудуддаги масалаларни ҳал қилиш учун ҳокимда ҳам, маҳалла раисиди ҳам, умуман, “йеттилик”нинг ҳар бир вакилида ресурс ва ваколат бор. Етишмаётган жиҳат – масъулият ва ташаббускорлик”, – деди Президентимиз.

Таҳлиллар айрим маҳаллаларда муаммолар вақтида ҳал этилмаётганини кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида Халқ қабулхоналари орқали 87 та маҳалланинг ҳар биридан 200 дан ортиқ мурожаат келиб тушган. Бу маҳалла раислари ҳудуди бўйича мастер режа қилишни, бўш ерлар, бино-иншоотларни иқтисодий активга айлантиришни ўйламаётгани, туман, вилоят, республикадан келган раҳбарларга аниқ масала қўя олмаётгани билан ҳам боғлиқ.

Шунингдек, “Ташаббусли бўлжёт” дастури доирасида жорий йил 7,5 триллион сўм ажратилган бўлса-да, 2 минг 136 та маҳаллада бирорта лойиҳа ғолиб чиқмаган. Давлатимиз раҳбари маҳалладаги ҳамжиҳатлик, дахлдорлик ва ташаббускорлик айнан шундай амалий натижалар билан ўлчанишини таъкидлади.

Йиғилишда маҳаллаларда кичик лойиҳаларни кўпайтириш ва аҳолини ишли қилиш масалалари танқидий таҳлил қилинди. Сўнгги олти ойда банклар томонидан кичик-кичик лойиҳалар учун 18,5 триллион

сўм ресурс ажратилди.

Мазкур маблағлар ҳисобидан 110 мингта микролоиҳа амалга оширилиб, 259 минг одам ишли бўлди. Лекин 47 та маҳаллада бор-йўғи 2 тадан микролоиҳа ишга туширилган. Айрим туманларда амалга оширилаётган лойиҳаларда камбағал оилалар иштироки 15 фоизга ҳам йетмаяпти. Қораўзак, Марҳамат, Миришкор, Нуробод ва Термиз туманлари мисолида бу борадаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди.

Маҳаллаларда солиқ тушумлари, жиноятчиликни жиловлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳам масъулларга саволлар қўйилди. Давлатимиз раҳбари маҳалла одамлар учун чинакам “ишонч, таянч ва имкониятлар маркази” бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Янги Қува маҳалласи мисолида аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича янги тартиб кўрсатиб ўтилди. Ушбу маҳаллада 51 нафар ишсиз фуқаро бор, уларнинг 4 нафари агротехникуми битирган ва хонадониди 10 сотихдан томорқаси мавжуд.

Маҳалла раиси томорқада гул кўчатига ихтисослашган енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун маҳалла банкирига буюртма беради. Қолган ишсиз аҳоли бўйича ҳам маҳалла раиси ким тадбиркор бўлмоқчи, қайси оила даромадини оширомоқчи, кимга кредит, ускуна ёки йер кераклигини аниқлаб, банкка аниқ вазифа қўяди.

Янги Қува маҳалласида боғча етишмаслиги сабаб 50 нафар бола қўшни маҳаллага қатнаётди, ҳудудда эса 70 сотих бўш ер бор. Шу муносабат маҳаллаларда хусусий боғча, мактаб, клиника ва спорт иншоотлари қуриш учун ерни аукционга чиқариш ваколати ҳам маҳалла раисларига берилади.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раиси ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, тозаликни таъминлаш ва даромадни кўпайтиришга хизмат қи-

ладиган лойиҳаларда ташаббускор бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бундай лойиҳалар учун “маҳалла еттилиги”га 10 миллион сўмдан грант ажратилади. Агар 8 минг 992 та маҳалланинг ҳар бирида биттадан шундай лойиҳа амалга оширилса, ҳудудлардаги муҳит сезиларли ўзгаради.

Ушбу мақсадлар учун жами 240 миллиард сўм ресурс шакллантирилади.

Маҳалла раиси ўз ҳудудининг ҳақиқий бошқарувчиси бўлиши шарт. Бунинг учун у ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, профилактика инспектори, солиқчи ва маҳалла банкирининг ҳафталик ҳамда ойлик иш режасини тасдиқлаб беради. Раис “еттилик” аъзоларига аниқ вазифа қўйиб, улардан сўров қилиб боради.

Шунингдек, “еттилик” фаолиятини методик қўллаб-қувватлаш ва ҳудуддаги муаммоларга илмий ёндашиш учун Маҳаллани ривожлантириш миллий институти ташкил этилади. У “еттилик”ни ўқитади, маҳаллалардаги долзарб масалаларга илмий ечимлар ишлаб чиқади.

Йиғилишда маҳалла банкирларининг иш услуби ҳам тубдан ўзгариши белгиланди.

Жойларда яхши тажрибалар бор. Масалан, Ангор тумани Янгиобод маҳалласидаги 2 километр зовур усти ёпилиб, 110 та сервис объекти ишга туширилди. Натижада маҳалла атрофида яшайдиган 1 минг 225 нафар одам ишли ва даромадли бўлди.

Арнасой туманидаги Бахтли маҳалласининг банкири 20 та хонадонга 50 миллион сўмдан кредит ажратиб, меҳмон уйларини ишга туширди. Ҳар бир хонадон бир мавсумда 100 миллион сўмгача да-

ромад олмоқда. Иш юриб кетгани учун яна 80 та оила шундай меҳмон уйлари ташкил қилишга киришди.

Энди банклар ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқтаси”ни аниқлаб, ташаббускорларни топиши ва даромадли лойиҳаларни кўпайтириши зарур. Бундан буён битта маҳалла банкирига кўпи билан учта маҳалла бириктирилади.

Икки ҳафтада ташаббускор, замонавий фикрлайдиган олийгоҳ битирувчилари ва ёш мутахассислар орасидан 400 нафар янги маҳалла банкири танлаб олинади. Улар бир ой давомида намунали маҳаллаларга олиб борилиб, тажриба ўрганади.

Жорий йил оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун қўшимча 2 триллион сўм имтиёзли ресурс берилди. “Оғир” маҳаллалар учун кредит ставкаси 17,5 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Энди маҳалла банкирлари ўзи топган лойиҳаси учун ушбу ресурсдан фойдаланиши мумкин бўлади. Бу тизимни 1-августдан амалиётга жорий этиш вазифаси қўйилди.

“Маҳалла – халққа энг яқин бошқарув бўғини. Одамларнинг кундалиқ масалалари шу йернинг ўзида, ортиқча оворагарчиликсиз ҳал бўлиши керак”, – деди Президентимиз.

Ҳозир “еттилик” орқали 100 га яқин хизмат кўрсатилмоқда. Энди барча давлат хизматлари босқичма-босқич маҳаллага туширилади.

Мутасаддилар олдида йил якунигача ногиронликни эрта аниқлаш, хонадонларни мослаштириш, ижтимоий уйга жойлаштириш каби 25 турдаги хизматни маҳаллага тушириш вазифаси қўйилди.

“Одамларнинг эртанги кунга ишончи ортади, ислохотлар янада жадаллашиб, ижтимоий-иқтисодий масалаларга осон ечим топилади. Оилаларда ва хонадонларда тинчлик-тотувлик ҳукм суради. Ёшлар Ватанга садоқат ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбия топади.

Энг муҳими, ҳеч ким етибордан четда қолмайди”, – деди Президентимиз.

Яқунда мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.





ЯРАШТИРИЛМАГАН ҚЎШНИЛАР

Кўпчилигимиз қаватли уйларда яшаймиз. Қўшнилар билан йўлакда ёки уй атрофида учрашиб, сўрашамиз. Кириб-чиқиб, кадрдонлардек бўлиб кетамиз. Ҳатто битта йўлакдаги қўшнилар билан қуда-анда бўлиб кетганлар ҳам бор.



Баъзида эса бунинг акси ҳам бўлиб турар экан.

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Иброҳим ота маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи қўшнилар - Шарофат Ҳамроева билан Лобар Исоқова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўртасидаги низо беш йиллик “тарих” га эга экан.

Гап шундаки, Шарофат Ҳамроева битта йўлакда яшовчи қўшниси Лобар Исоқовани мунтазам равишда ҳақорат қилган. Ҳатто уриб, дўппослаган. Натижада Шарофат Ҳамроева жиноий жавобгарликка тортилган.

Яқинда Лобар Исоқова даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгар мунтазам равишда жанжаллар чиқариб, уни ва оиласини ҳақорат қилишини, таҳқирловчи сўзлар билан обрўсига путур етказганлигини маълум қилди. 2025 йил 18 апрелда содир бўлган жанжалда профилактика инспекторини чақирган. Жавобгар унга таҳдид қилиб, уйдан олиб чиқиб, сочидан тортиб, урган. Шу ҳолат бўйича Шарофат Ҳамроева 25.11.2025 йилдаги суд ҳукми билан жиноий

жазога тортилган. Судда маънавий зарарни ундириш масаласи бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш тушунтирилган. Шу боис шаъни ва кадр-кимматига путур етказганини, амалдаги қонунчилик талабларига асосан жавобгар маънавий зарарни қоплашини баён қилиб, суддан жавобгардан жиноят оқибатида етказилган 100.000.000 сўм маънавий зарар ва суд харажати ундиришни сўради. Ўз навбатида, Шарофат Ҳамроева ҳам маънавий зарар кўрганини баён қилиб, суддан жавобгардан 200.000.000 сўм маънавий зарар ва суд харажати ундиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Лобар Исоқова жавобгар ва унинг синглиси оилавий тинчлигини бузиб, доимий равишда уни телефонга тасвирга олишини, бу тасвирларни ижтимоий тармоқларга жойлаб, обрўси ва шаънига путур етказувчи ҳақоратли, таҳқирловчи сўзларни тарқатиш билан шуғулланишини маълум қилди. Қўшнилар ва маҳалла аҳли ўртасида уни ёмонлаб, хулқи ёмон аёл сифатида таърифлашини, бу ҳолатлар мунтазам давом этишини, маҳалла вакилла-

ри иштирокида бу масала бир неча марта кўриб чиқилганини, лекин ижобий ҳал қилинмагани сабабли судга мурожаат қилиб, сиқилишлари, оила аъзолари ва қўшнилари ўртасида обрўсизлантирилгани учун айбдор қўшнисидан маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 4 ноябрдаги ҳукми билан жавобгар Шарофат Ҳамроева Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилиб, унга шу модда билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суд даъвогар Лобар Исоқованинг даъво талабини муҳокама қилди. Жавобгарнинг содир қилган жинояти даъвогарнинг соғлиғи ва руҳий ҳолатига салбий таъсир қилган. Шаъни ва кадр-киммати камситилганлигини ва даъвогар ҳақоратланганлигини, бу ҳолатлар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан тасдиқланганлигини, бундай ҳолатда

даъво талаблари асосли ҳисобланишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига асосланиб, даъво талабини қисман қаноатлантириб, оқилоналик ва адолатлилик тамойилларига асосан жавобгардан етказилган маънавий зарар учун даъвогар фойдасига 8.000.000 сўм компенсация ундиришни лозим топди.

Кези келганида бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда кўп масала ва муаммолар маҳаллада ҳал этиляпти. Суд мазкур фуқаролик ишини мазмунан кўриш жараёнида тарафлар ўртасидаги зиддият ва келишмовчиликларни тинч йўли билан ҳал қилиш мақсадида маҳалла фаолларига муҳлат берганди. Бирок... Агарда анча “тарих”га эга қўшнилар ўртасидаги низо маҳалла раиси бошчилигида тарафлар ва фаоллар иштирокида муҳокама қилиниб, оқилона ечим топилиб, улар яраштирилганида эди, иш судгача етиб келмасиди...

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтоҳур туманлараро
судининг судьяси

Автобусда шаҳардан қайтаяпмиз. Ёнимдаги ўриндиқда ўтирган икки йўловчи кизгин суҳбат бошлади:

– Боя Шерали полвонни сўраган эдингиз, ишлари яхши, топгани тилло бўлсин, тагин қариндоши экан, деб ўйламанг, фақат ҳамқишлоқмиз, холос...

Хуллас, Шерали полвон фермер бўлгач, ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олиб, қишлоқдошларига Наврўз байрамини ўзининг ҳисобидан ўтказиб берди. Неча йиллардан бери одамларни қийнаб келаётган кўприк муаммосини ҳал қилди. Бир эмас, иккита кўприк курди. Элнинг тўйига, маъракасига деб қозон, самовар, стол-стул, гиламлар, чойнак-пиёла, идиш-товоқ сотиб олиб, Содиқ муаллимга “Сиз масъулсиз” деб топширди.

Иккинчи йили трактор олгач, камхарж оилаларнинг томорқаларини шудгор қилиб, макка, беда уруғларини ёнидан бериб эктирди. Бепул сомон тарқатди. Мана сиз, бу йил бир тележка сомонни қанчага сотиб олдингиз? – сўради гурунг бераётгани ҳамроҳидан.

– Хўш, сомонга уч юз, тракторчига юз, ҳашарчиларнинг зиёфати билан олти юз мингдан ошиб кетди-ёв.

– Яшанг, полвон эса ўн бешта камхарж оилага трактори билан сомон тарқатиб берди. Бир хомчўт қилинг, нақ ўн миллион, тўғрими, жўра? Янги машина олганда айтувди: “Машинам элнинг келин тўйларида хизмат қилади”, – деб. Яқинда бири Сурхон, яна бири Андижондан иккита келинни қишлоққа олиб келди, айтганини қилди, ҳатто бензин пули ҳам олмади. Тангилик, элпарварлик бўлса шунча бўлади-да... Тагин бир нарсани айтайин, иккита серфарзанд оиладан бўлган



талабанинг тўлов пулини бериб ўқитаяпти.

Яна камтаринлиги, одамийлигини айтмайсизми, элнинг неки ташвиши бор, бир тан бўлиб турди, кўмагини аямайди. Телевизорга чиқарамиз, деб келганларга: “Мен ҳали элим учун арзирли иш қилганим йўқ,” – деб, суратга тушмабди.

* * *

Ҳамроҳи кулди:

– Эй, ошна, айтмайин девдим, бўлмади, бизнинг ҳам бир оғайнимизнинг каттагина ер майдони бор, ўтган йили пишиқ гиштдан иморат тиклади, тўй қилди, тўйга кўчамиздан фақат Абдирахмон “ёзувчи”ни айтибди, қачон қарасанг, дарвозаси ёпиқ туради. Иккита ҳамсоя билан суҳбат қурганини кўрганим йўқ. Майли, омон бўлсин. Ўша оғайнимиз бир куни қўшнисининг яқинда уйланган ўғлини чақириб, бир сигирнинг ипини ушлатибди-да, суратга бирга тушибди. Сўнгра сигирни кўрасига қамаб қўйибди.

Сурат тагига “мен фалончига сигир бердим,” деб ёзиб юқорига жўнатибди.

Бу гап қишлоққа тарқаб, роса хангома бўлиб кетди, ишқилиб бирорта қизикчи эшитмасин-да...

* * *

– Яккабоғлик дўстим бирга ўқиган қизга кўнгил қўйиб уйланганди, – деди ҳамсуҳбатлардан бири. – Биз талабалар ўшанда тўйни роса қизитгандик. Ўтган йили дўстимни сўроқлаб бордим. Иккаласи ҳам мактабда ишлар экан. Дастурхон устида эр-хотиннинг кўнглидаги дардни пайқадим, улар тирноққа зор экан. Қайтаётиб дўстим юрагини очди:

– Жўра, мана етти йил бўлди, ҳамма нарсамиз бор, фақат фарзандимиз йўқ, айниқса, Саодат жуда қийналиб кетди. Ота-онам эса, “ажраш” деб қўйишмаяпти. Уларни ҳам тушуниш керак. Ахир, ёлғиз ўғлиман. Нима қилишимни билолмай юрибман.

Шунда беҳосдан оғзимдан, “савоб иш қил,” – деган сўз чиқиб кетди. Менинг сўзим дўстимга ҳам маъқул келди ва “бир иш қилишим керак”, – деб мен билан хайрлашди.

Буни қаранг, орадан бир йил ўтиб, жўрам уйимга меҳмон бўлиб келди.

Аёлининг қўлида мунчоқдек қизча, исмини ҳам Саховат деб қўйишибди. Кейин билсам, дўстим хароба ҳолда ётган қабристонни девор билан ўраб, обод қилибди. Унинг ишини кўрган бутун қишлоқ аҳли Наврўз сайлида дуо берибди. Қаранг, элнинг тилаги вожиб-да, кўп ўтмай дўстимнинг аёли ҳомиладор бўлибди.

Ҳамроҳларимиз биров тин олишди. Автобус ҳам манзилга етиб келди. Кўнглимдан эса: “Эл дуоси улугдир, унга мушарраф бўлиш барчамизга насиб этсин,” – деган эзгу-ният ўтди.

Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



САМАРҚАНДНИНГ ИККИНЧИ ҲИСОБИ

Тарих — шунчаки сариқ саҳифаларда қолган рақамлар эмас. Тарих — бу бугунги кунимизнинг кўзгуси, миллатнинг тирик руҳидир. Самарқандга ҳар гал келганимда, бу кўҳна шаҳарнинг ҳар бир ғишти инсонга пичирлаётгандек туюлаверади. Аммо яқиндагина Самарқанд эски шаҳар чегараларидан чиқиб, эски эшакли эшик канали бўйида қад ростлаган «Боқий Самарқанд» мажмуасига қадам қўйганимда, юрагим бир қалқиб тушди.

Хаёлим мени беихтиёр XIV асрга — Соҳибқирон Амир Темур даврига олиб кетди. Ўшанда буюк бобомиз дунёнинг тўрт бурчагидан энг моҳир усталарни, меъморларни, наққошларни Самарқандга тўплаб, «Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, қурган биноларимизга боқинг!» дея бу шаҳарни ер юзининг сайқалига айлантирган эди. Ўшандан бери асрлар ўтди, Самарқанд не-не замонларни, урушларни, ҳатто маданиятимиз унутилган шўролар суронларини кўрди. Кошки эди, Самарқанднинг ўша темурийлар давридаги шуқуҳи, гўзаллиги, ҳунармандчилик маҳаллаларининг файзи яна бир бор ортга қайтса, деган армон ҳар бир ўзбек зиёлисининг ичида бор эди.

Бугун «Боқий Самарқанд»нинг нақшинкор дарвозаси қаршисида туриб, ўша унутилган орзунинг, асрлар давомида кутилган соғинчнинг жонли ифодасини кўрдим. Бир пайтлар Амир Темур Самарқандни қандай гуллабган, навқирон ва буюк қилган бўлса, бугун мана шу улғвор шараф, тарихий масъулият ва бунёдкорлик юкини Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз елкасига олганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Журналист сифатида тарихнинг кўринмас саҳифаларини ва инсон қалбидаги эзгу ниятлар занжирини кузатишни яхши кўраман. Ортга назар ташласак, Шавкат Мирзиёев бундан йиллар аввал Самарқанд вилоятига ҳоким бўлиб келган эди. Ўша йиллардаёқ у кишининг қалбида бу кўҳна шаҳарнинг тарихий доғуғига мос, унинг улғворлигини дунёга қайта кўрсатадиган мана шундай муҳташам бинолар, маданий марказлар барпо этиш орзуси бўлган. Шаҳар кўчаларини айланиб, темурийлар меросини кўздан кечирар экан, вилоят раҳбари сифатида Самарқандни чинакам маънода дунё бешигига айлантиришни истаган.

Бирок, афсуски, ўша даврдаги тизим, сунъий тўсиқлар ва баъзи тушунарсиз сабабларга кўра, бу улғвор орзуларнинг амалга оши-

шига имкон берилмаган. Кўпчилик бундай вазиятда таслим бўлиши ёки орзуларини унутиши мумкин эди. Аммо ватанпарварлик, миллат тарихига бўлган юксак муҳаббат йўлидаги эзгу истакларга вақти келиб барибир йўл очилар экан.

Орадан йиллар ўтиб, Шавкат Мирзиёев халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Президентлик мақомига киришгач, аввало, Самарқанднинг чинакам маънода ўз мақомини тиклашига, дунё саҳнасидаги асл ўрнини эгаллашига бел боғлади.

Тўғриси айтиш керак, бугун дунёда осмонўпар бинолар, шиша ва темирдан ясалган замонавий шаҳарлар қуриш ҳеч кимга янгилик эмас. Пул бўлса, энг баланд меҳмонхоналарни бир йилда тиклаб ташлаш мумкин. Аммо Шавкат Мирзиёев мутлақо бошқа йўлдан борди. У пул билан эмас, миллатнинг руҳи, қадрияти ва тарихи билан қурилиш қилди. «Боқий Самарқанд» — бу шунчаки сайёҳлар учун ясалган декорация эмас, бу — тирилган тарихдир.

Лойиҳа илк бор муҳокама қилинаётганда, Президентимиз меъморларга жуда қаттиқ талаб қўйган эди: «Бу ерда эски маҳаллаларнинг ҳиди, ғишларнинг нафаси бўлиши керак. Инсон кирганда, ўзини худди Самарқанднинг, Бухоронинг, Хиванинг XV асрдаги гавжум бозорларида, қосибхоналарида юргандек ҳис қилсин». Бу жуда улкан масъулият эди.

Амир Темур бобомиз ўз вақтида Самарқандни бутун дунёнинг иқтисодий ва маданий марказига ай-

лантириш учун Ипак йўлини мана шу ерга боғлаганди. Бугун Шавкат Мирзиёев ҳам худди шу стратегик қатъият билан Самарқандни дунёнинг энг йирик сиёсий учрашувлари, халқаро саммитлар ва маданий мулоқотлар марказига айлантирди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари айнан мана шу ерда ўтгани тасодиф эмас. Бу — Соҳибқирон бобомиз бошлаган буюк давлатчилик ва дипломатия анъаналарининг XXI асрдаги чинакам Ренессансидир.

«Боқий Самарқанд» кўчаларини айланар эканман, ҳеч ким кутмаган, расмий ҳисоботларда ёзилмайдиган бир жиҳатга эътибор бердим. Бу мажмуа шунчаки Самарқанднинг ўзи эмас. Бу ерда Риштоннинг мовий сополлари, Бухоронинг зардўзлик мактаби, Хоразмнинг лазги руҳи, Сурхондарёнинг кашталари, Тошкентнинг қандакорлик санъати бир жойга жамланган. Худди Амир Темур давридагидек, бутун Ўзбекистоннинг энг сара ҳунармандлари, олимлари ва санъаткорлари шу ерда жам бўлишган.

Аммо бунинг ортида қандай инсонийлик ва бағрикенглик ётибди? Президентимиз мажмуа қуриляётган вақтда ҳар гал келиб, ҳунармандлар билан шахсан кўришган. Уларнинг яшаш шароити, оиласи, топган даромади билан қизиққан.

Усталардан бирининг кўзида ёш билан айтиб берган гаплари ҳали ҳам қулоғим остида жаранглайди: «Президентимиз ёнимизга келиб, қўлимиздаги сополни кўрдилар. Кейин: «Барака топгур, шу ҳунарни болангизга ҳам ўргатаяпсизми? Сиз оддий одам эмассиз, сиз миллатнинг хазинасиз. Сизларга шароит қилиб бериш бизнинг бурчимиз», деб елкамга қоқдилар. Ишончимиз,

ғуруримиз минг чандиқ юкори-га кўтарилди». Мана, Раҳбарнинг халққа, миллий ўзликка бўлган муҳаббати! Бир пайтлар ҳунармандларни қадрлаган Темур шоҳ бўлса, бугун уларнинг бошини силаб, қадр улашаётган Президент — Мирзиёевдир!

Кеч кириб, «Боқий Самарқанд» устига тун пардаси ёпилганда, мажмуа ҳақиқий эртаққа айланади. Сув юзида акс этаётган миллионлаб чироқлар нури, қадимий услубдаги гумбазларнинг улғворлиги остида юриб, кўнглимдан бир кечинма ўтди. Менинг ёшлигим, йигитлик йилларим Самарқанднинг қаровсиз, кўчалари қоронғу, обидалари нураб ётган давларига тўғри келган. Биз ўшанда Самарқандни фақат ўтмиш билан эслаб йиғлардик.

Бугун эса бу масканда туриб шукроналикдан йиғлагинг келди. Бизга мана шундай кунларни кўриш, ўзлимизни, тарихимизни мана шундай гўзал, маҳобатли шаклда тиклаб берилганини гувоҳ бўлиш бахти берилди. «Боқий Самарқанд» — бу шунчаки сайёҳлик маркази эмас, бу — бугунги ва эртанги авлодга берилган иймон, ғурур ва миллий шараф дарсхонасидир.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд тупроғига Амир Темур бобомизнинг руҳини, бунёдкорлик қудратини қайтарди. Бу инсон ўз қатъияти билан асрларга татиғулик улғвор бир обидани пайдо қилишга бош бўлди. Бугун дунё Самарқандга нафақат қадимий обидалар шаҳри, балки янгиланаётган, куч-қудратга тўлаётган Ўзбекистоннинг рамзи сифатида қарамоқда.

«Боқий Самарқанд»дан чиқиб, тунги осмонга боқар эканман, ичимда бир ишонч порлади: Биз — буюк миллатмиз. Биз йиқиламиз, унутилишимиз мумкин, лекин вақти-соати келиб, ичимиздан мана шундай жасоратли йўлбошчи чиқади-ю, бизни яна ўша дунё тарихиния марказига олиб чиқади.

Амир Темур бобомиз қурган Самарқанд боқий қолди. Бугун Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тикланган, янгиланган ушбу муқаддас замин ҳам асрлар оша авлодларимизга бизнинг қудратимиздан, иймонимиздан ва Раҳбаримизнинг бағрикенглигидан сўзлаб беражак.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ





Дарахт илдизидан куч олгани сингари, ҳар бир жамият ҳам ўз тараққиётини илм-маърифат заминидан олади. Пойдевори мустаҳкам иморат зилзилага бардош бергани каби, таълим-тарбия асоси мустаҳкам бўлган миллатнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Бу ҳақиқатнинг тағи-туғи эса илм сифати билан тарбия самарасининг узвий боғлиқлигида яширинган.

УСТОЗ УМРИ — ИЛМ ВА МЕХҲР ДОСТОНИ



Юртбошимиз турли йиғинларда мамлакат тараққиётининг калити илм-фан қудратида эканини алоҳида таъкидлайди. Бу натижадорлик эса, аввало, ўқитувчининг машаққатли меҳнати ва олимнинг тинимсиз изланишлари билан чамбарчас боғлиқ.

Президент Шавкат Мирзиёев илм аҳли ва устозларни «Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устун» деб атагани, «нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда» деган шиорни илгари сургани бежиз эмас. У боғча тарбиячисидан тортиб олийгоҳ профессоригача бўлган барча педагогларни Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг асосий устунлари, деб билади ва уларнинг тажрибаси, маҳоратига қаттиқ ишонади.

Мана шундай ишончга муносиб, умрини таълим-тарбия йўлига бахшида этган фидойи зотларни ардоқлаш, улардан ўрганиш — давр талабидир. Зеро, улар ҳаётий тажриба хазинаси, илм-маърифат манбаидир. Устоз-шогирд анъанаси эса — тараққиётнинг ўзгинасидир.

Ана шундай сиймолардан бири — педагогика фанлари доктори, академик Жўраев Рисбой Ҳайдарович. Унинг кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти миллий таълим тизимининг назарий ва амалий асосларини мустаҳкамлашда бекиёс ўрин тутди.

Академик Жўраевнинг ўзига хослиги шундаки, у педагогик билимни қотиб қолган қолипда эмас, балки ижтимоий ҳаёт билан уйғун, доимий ҳаракатдаги жараён сифатида талқин этади. Шу боис унинг илмий ишлари фақат назария билан чекланиб қолмайди — улар таълим амалиётини такомиллаштиришга қаратилган аниқ, амалий тавсиялар билан бойитилган.

Устознинг монография ва дарсликларида илгари сурилган ғоялар педагог кадрлар тайёр-

лаш тизимини янгилаш, таълим сифатини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш, инновацион таълим моделларини жорий этиш каби йўналишларда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг қарашича, ўқитувчи — шунчаки билим берувчи эмас, балки жамиятнинг маънавий қиёфасини шакллантирувчи етакчи шахс.

Устознинг устозлик анъаналари ҳам ибратлидир. У раҳбарлик қилган илмий тадқиқотлар, шаклланган илмий мактаб ўзбек педагогика фанининг узлуксиз ривожига хизмат қилмоқда. Бугунги кунга қадар устоз тарбиясини олган 45 нафардан ортиқ шогирд илмий тадқиқотларини муваффақиятли якунлаб, диплом соҳиби бўлган. Уларнинг 16 нафари фалсафа доктори (PhD), 29 нафари эса фан докторидир. Устоз қўлида тарбия кўрган бу шогирдлар бугун юртимиз ва хорижда таълим, тарбия ҳамда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида етук мутахассис сифатида хизмат қилмоқда.

Устоз шогирдларига фақат илм эмас, тадқиқот маданияти, илмий ҳалоллик, масъулият ва фидойилик, педагогик этика каби юксак қадриятларни ҳам сингдириб келмоқда. Бу эса унинг фаолиятини нафақат илмий, балки маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам юксак поғонага кўтаради.

Академик Жўраев таълим ислохотларига муносабатда ҳам жасорат кўрсатиб келган олим — мавжуд муаммоларни очик тан олиш ва уларни илмий асосда ҳал этиш унинг фаолият тамойили. Устоз қаламига мансуб 25 та монография, 900 дан ортиқ илмий мақола нашр этилган, шулардан 30 дан зиёди хорижнинг нуфузли нашрларида чоп бўлган. Замоनावий электрон таълим ресурсларини яратиш борасида эса 16 та дастурий маҳсулотга патент муаллифи саналади.

Бу улкан меҳнат ва изланишлар маҳсули, десак, унинг туб илди-зи — фанга, ватанга бўлган чексиз меҳр ва садоқатдир.

Ўзбек педагогика фани тарихида назария билан амалиёт уйғунлигини асослаган олимлар оз эмас. Бироқ бу ғояни фақат сўзда эмас, аниқ илмий тавсиялар ва амалий натижалар билан исботлаб берган сиймолар алоҳида эътирофга лойиқ. Ана шундай забардаст олимлар сафида академик Рисбой Ҳайдарович Жўраевнинг ўрни бекиёсдир.

Устоз таъкидлашича, агар педагогик назария амалиётда қўлланилмаса, у ўз қийматини йўқотади. Шу боис у доимо амалиётга таянади, таълим муассасалари тажрибасини таҳлил қилади ва шу асосда илмий хулосалар чиқаради. Унинг фикрича, педагогика фанининг марказий муаммоси — назария билан амалиёт ўртасидаги узилиш. Бу узилишни бартараф этиш учун таълим жараёнини жонли ижтимоий тизим сифатида ўрганиш, педагогик тажрибани илмий таҳлил қилиш ва натижалар асосида назарияни доимий такомиллаштириш зарур.

Академик Жўраев таълимни жамият тараққиётининг стратегик омили деб билади. Унингча, чуқур илмий таҳлилга таянмаган ҳар қандай ислохот қутилган натижани бермайди. Шу боис у таълим мазмунини янгилаш, ўқитиш методларини такомиллаштириш ва педагог

кадрлар тайёрлаш борасида назария-амалиёт уйғунлигига алоҳида эътибор қаратади.

Унинг илмий қарашларида марказий ўринни ўқитувчи шахси эгаллайди. Зеро, назарияни ҳаётга татбиқ этувчи асосий куч — айнан ўқитувчидир. Агар у педагогик назарияни чуқур англамаса, энг илғор ғоялар ҳам қоғозда қолиб кетаверади. Шу сабабли олим ўқитувчининг илмий дунёқараши, касбий маҳорати, маънавий қиёфаси ва ижтимоий масъулиятини бирлашган ҳолда ривожлантириш зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Таълим тизимини ислох этишда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, миллий тажрибага таяниш, дунё ютуқларини танқидий ўрганиш ва педагогик жамоатчилик фикрини иноватга олиш — олимнинг бош тамойилларидан.

Глобаллашув ва рақамлашув авж олган бугунги кунда ҳам академик Жўраевнинг назария-амалиёт уйғунлиги ҳақидаги ғоялари ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, таълимда юзага келаётган янги муаммолар бу қарашларни янада долзарб қилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, академик Рисбой Ҳайдарович Жўраевнинг илмий-педагогик фаолияти — илмга садоқат, таълимга масъулият ва келажак авлод тақдирига дахлдор фидокорона меҳнатнинг ёрқин намунасидир. Унинг илмий мероси, педагогик ғоялари ва устозлик анъаналари миллий таълим тизими тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар уюшмалари
аъзоси. «ТИҚХММИ» Миллий
тадқиқот университетининг
матбуот хизмати раҳбари,
профессор



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия
жамоат фонди

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир

Мақсуд

ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 3018

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



ФИНЛЯНДИЯ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА «КОРРУПЦИЯ» ДЕГАН АЛОҲИДА ИБОРА ЙЎҚ

Юртимизда қонун
устуворлигини
таъминлаш, инсон ҳуқуқ
ва эркинликларини
ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ
тизимини ислоҳ қилиш
борасида қисқа давр
ичида кенг қўламли
ислохотлар олиб борилди.
Эътиборли томони,
таракқиёт кушандаси
ҳисобланган коррупцияга
қарши курашишнинг
ҳуқуқий асосларини
янада такомиллаштириш
юзасидан ўта муҳим
амалий қадамлар
ташланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 22 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг мантикий давоми бўлиши билан бирга, ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Жумладан, янги Қонун билан амалдаги 3та кодексга, яъни Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда 5та Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Энг муҳим янгилеклардан бири, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси “Коррупцияга оид жиноятлар” номли янги атама билан тўлдирилиб, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «д» бандида, 168-моддаси 4-қисми «г» бандида, 192-9, 192-10-моддаларида, 192-11-моддаси 2-қисми «в» бандида, 205-моддаси 2-қисми «в» бандида, 206-моддаси 2-қисми «в» бандида, 208-моддаси 2-қисмида, 209-моддаси 2-қисми «в» бандида, 210, 211, 212, 213, 214, 214-1, 214-2-моддаларида ва 301-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятлар ҳамда 243-моддасида назарда тутилган жи-

ноят, агар мазкур жиноят коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, коррупцияга оид жиноятлар этиб белгиланди.

Бундан ташқари, Жиноят кодекси 205-модда (мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш) ва 206-модда (мансабга совуққонлик билан қараш)ларига, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ҳамда ғаразғўйлик ниятларида содир этганлик учун, 208-моддага, ҳокимият ҳаракатсизлигини ғаразғўйлик ниятларида содир этганликда жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, 209-модда (мансаб сохтакорлиги)да назарда тутилган жиноятни «ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб» содир этганликда, алоҳида 2-қисм билан жиноий жавобгарлик белгиланди.

Эндликда, айнан коррупцияга қарши жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахслар суд томонидан тайинланган жазони тўлиқ ўташга мажбур бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига киритилган янги ўзгартиришларга кўра, эндликда коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқланади ва баҳоланади, коррупцияга оид хавф-хатарлар харитасини шакллантирилади, коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг электрон реестри юритилади, Давлат органлари ва ташкilotлари комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг хавфсизлик кафолатлари таъминланади.

Шу ўринда, коррупцияга қарши курашда хорижий амалиётга эҳтибор қаратсак. Финляндия, коррупция даражаси энг паст бўлган давлат ҳисобланади. Эътиборлиси, Финляндия Жиноят кодексида “Коррупция” деган алоҳида ибора йўқ, фақат мансабдор шахсларнинг порахўрлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу каби жиноятни содир этган мансабдор шахслар учун қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига қараб жарима ёки 4 йил-

гача қамаш жазоси қўлланилади.

Нидерландия эса, коррупцион ҳаракатлар учун асосий жазо давлат ташкilotларида ишлаш ҳуқуқидан ва барча ижтимоий имтиёзлардан маҳрум бўлишдир. Шунингдек, жарима ва ўз вазифасидан вақтинча четлатиш жазоси ҳам қўлланади. Энг муҳим ташкilotларда, хусусан, вазирликларда ички хавфсизлик хизмати мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаси амалдорларнинг хатосини аниқлаш, уларнинг қоидаларни қасдан ёки тасодифан бузишини аниқлаш ҳисобланади.

Коррупция мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида Ўзбекистон давлати ва жамияти таракқиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири бўлиб, коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барчамизнинг энг устувор вазифамиздир.

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг “Коррупцияга қарши конвенцияси”нинг “Коррупциянинг олдини олиш чоралари”-деб номланган 2-боби, 5-моддасида, ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тиизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида, жамият иштирокига ёрдам берадиган ҳамда ҳуқуқтартибот, оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни керакли даражада бошқариш, ҳалоллик ва содиқлик, ошкоралик ва маъсулиятлиликл тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши ёки олиб бориши белгиланган.

Асосий мақсад, коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантиришдан иборат.

Ш. БАХТИЁРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Дехқонобод туман суди раиси

КЎЧАГА УЛОҚТИРИЛАЁТГАН ЧИҚИНДИ

Тонг отади. Қуёш ўзининг илк нурлари билан заминни йўргаклайди. Остона хатлаб кўчага чиқаркансиз, мусаффо ҳаводан симириб, янги куннинг бошланишидан кўнгилайрайди. Аммо бу гўзал кайфият узокқа чўзилмайди. Кўп қаватли уйнинг бурчагида, пиёдалар йўлаги четида ёки ариқ ичида уюлиб ётган, хатто йўл четида бетартиб улоқтирилган елим пакетлардаги чиқиндиларни кўриб, дилингиз хуфтон бўлади. Вахоланки, бир неча қадам нарида махсус чиқинди қутилари турибди. Хуш, нега бундай? Нега орамизда ўз яшаш жойини, Ватанини шу қадар оҳорсизлантиришга, ифлослантиришга журъат этадиганлар бор?

Бугун жамиятимизда энг кўп бонг урилаётган, аммо афсуски, ҳали-ҳануз ўз ечимини тўлиқ топмаётган оғрикли нуқталардан бири — бу экологик маданиятсизлик ва атроф-муҳитга бўлган бепарволикдир.

Мукаддас қадриятларимизга кўра, озодалик — имоннинг ярмидир. Халқимиз азалдан саҳарлаб кўчага сув сепиб, супурган, остонасини, маҳалласини пок тутган. Бугун эса айрим замондошларимизнинг тутумига қараб, ўша юксак маданият қарерга йўқолди, деган савол қийнайди одамни.

Машина ойнасида катта тезликда учиб чиқадиган бўш елим идиш, кўча ўртасига улоқтирилган тамаки қолдиғи, писта пўчоқлари, пиёдалар йўлагида қолдирилган чиқинди халталари... Буларнинг барчаси жамиятимиздаги маънавий ва маданиятсизлик инқирозининг яққол белгисидир.

Энг ачинарлиси, бундай хунук манзарани содир этаётганлар четдан келган бегоналар эмас. Улар — ўзимизнинг қўшнилари, танишлар, балки яқинларимиздир. «Мен ташлаб кетсам, барибир тозаловчи ходимлар супуради-ку», қабилда фикрлайдиган кимсалар нафақат табиатга, балки ўзгалар меҳнатига ҳам ҳурматсизлик кўрсатишмоқда. Кўчага чиқинди улоқтириш — бу шунчаки ахлоқсизлик эмас, бу атрофдаги юзлаб, минглаб инсонларнинг ҳаққига тажовуз қилиш, уларнинг яшаш муҳитини заҳарлашдир.

Кўп ҳолларда кўчадаги аянчли ҳолатнинг тепасида гўдаклар ёки ўсмирларни кўрамиз. Ота-она чиқинди солинган пакетни боланинг кўлига тутқади: «Бор, ташлаб кел!». Бола эса чиқиндихонага боришни истамай, уни яқинроқдаги дарахт тагига ёки ариққа улоқтиради. Бунга ким айбдор? Албатта, биринчи навбатда, унга тўғри тарбия ва намуна кўрсата олмаган ота-она!

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган доно мақол

бор. Агар ота фарзандининг кўз ўнгида елим шишани йўл четида отса, она писта пўчоғини ерга сочса, улардан туғилган фарзанд ҳеч қачон экологик маданиятли бўлиб вояга етмайди. Бола ота-онанинг гапини эмас, қилаётган амалини тақрорлайди.

Фарзандларимизга чиқинди ташлаш одобини гўдаклигидан синдиришимиз шарт. Бунинг учун қуйидаги оддий, аммо ҳаётий қоидаларни оилада тизимли равишда йўлга қўйиш зарур:

- **Шахсий намуна: Боланинг кўзи ўнгида ҳеч қачон, хатто энг кичик қоғозни ҳам ерга ташламанг. Агар яқин атрофда қути бўлмаса, уни чўнтакка ёки суммага солиб, уйгача олиб бориш кераклигини кўрсатинг.**

- **Уй ичидаги ажратиш маданияти: Уйда қоғоз, елим ва озиқ-овқат чиқиндиларини алоҳида идишларга солишни одат тусига киритинг. Бу боланинг онгида чиқиндига нисбатан масъулият ҳиссини уйғотади.**

- **Меҳнатни қадрлаш: Кўча супураётган, чиқинди ташиётган ходимларнинг меҳнатини болага тушунтиринг. «Агар сен ерга ахлат ташласанг, бу инсонлар янада кўпроқ чарчайди, уларнинг ҳам сендек фарзандлари бор», деган сўзлар бола қалбида раҳм-шафқат ва ҳурмат уйғотади.**

Тарбия фақат оила билан чекланиб қолмаслиги керак. Боғчалар ва мактабларда ҳам «Экология соати»

каби амалий машғулотлар кўпайтирилиши, болалар ўз қўллари билан атрофни тозалаш, дарахт экиш жараёнларида иштирок этишлари лозим. Табиатни севган, унга озор бермаган бола улғайганида ҳеч қачон кўчага ахлат улоқтирмайди.

Экологик маданиятсизликнинг энг яққол ва аянчли манзарасига, афсуски, ҳар куни қадамимиз этадиган бозорларда дуч келамиз. Бозор айланаркансиз, расталар орасидаги йўлаклар, сув оқиши керак бўлган лотоклар (арикчалар) чиқиндига тўлиб-тошганига кўзингиз тушади. Чириган сабзавот қолдиқлари, йиртилган картон қутилар, елим халталар, сув ичиб ташлаб кетилган идишлар оёқ остида сочилиб ётади.

Энг ачинарлиси, шу чиқиндиларнинг устида, дим ва нохуш ҳид анқиб турган муҳитда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда, уларни фарзандларимизга сотиб олмоқдамиз. Хуш, бу чиқиндиларни бозорга самодан кимдир ташлаб кетдими? Ёки бошқа сайёрадан келганлар ифлослантирдими? Йўқ, албатта!

Атроф-муҳитни, бозорларимизни, йўлақларимизни ифлослантираётган — ўзимизмиз! Ўша чиқиндини лотокка секингина улоқтириб кетаётган харидор ҳам, эринчоқлик қилиб ўз растаси атрофини тозаламайдиган сотувчи ҳам ўзимизнинг замондошлар, ўзимизнинг одамлар.

Бизда бир ёмон одат шаклланган: маҳаллада ёки бозорда ахлат уюлиб ётса, дарров ташкилотларни, тозалик ходимларини ёки бозор маъмуриятини айблашга ўтамиз. «Нега тозаламайди, нега пул олади?» деб жавраймиз. Тўғри, назорат ва тозалаш тизими ишлаши керак. Аммо бир кунда минглаб одам ўтадиган бозорда ҳар бир фуқаронинг орқасидан биттадан фаррош қўйиб бўлмайди-ку!

Айбни бошқалардан, тизимдан ёки замонлардан қидиришни бас қилишимиз шарт. Атроф-муҳитни ифлослантираётган ўзимиз эканмиз, демак, уни асраб-авайлаш, тоза тутиш ҳам энг аввало ўзимизнинг бўйнимизда, бизнинг инсонийлик бурчимиздир. Ҳар бир инсон «Менинг маданиятим — менинг юзим» деб фикрламаса, ўздан бошқани айблаш билан ҳеч қачон озодаликка

эришиб бўлмайди. Тозалик ҳақидаги баландпарвоз гапларни қўйиб, ҳар ким ўз оёғи остига қараб иш тутиши, ўз ахлатини жойига ташлаши кифоя.

Фақатгина насиҳат ва тарбия билан иш битмайдиган вазиятлар ҳам бор. Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасига назар ташласак, у ерларда одамлар фақатгина юксак онг сабабли эмас, балки жуда катта миқдордаги жарималардан кўрққанлари учун ҳам тозаликка риоя қилишади.

Бизда ҳам атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун маъмурий жавобгарлик ва жарималар белгиланган. Аммо уларнинг ижро механизми, ижтимоий назорат тизими ҳали жуда бўш. Кўчада ахлат ташлаб кетган кимсани кўрганда, аксарият ҳолларда индамай ўтиб кетамиз, «Тўполон чиқмасин», деймиз. Мана шу лоқайдлик бизни орқага тортмоқда.

Маҳаллаларда, кўчаларда жамоатчилик назоратини кучайтириш, видеокузатув камералари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Кўчага чиқинди улоқтирган одам жазосиз қолмаслигини, унинг бу қилмиши бутун маҳалла-кўй олдида уятга қолишига сабаб бўлишини англаб етиши керак. Ижтимоий лаънат ва иқтисодий жазо бирдек ишламас экан, маданиятсизлик иллати илдиз отаверади.

Биз яшаётган шаҳар ва қишлоқлар — ўзимизнинг катта уйимиздир. Ҳеч ким ўз уйининг меҳмонхонасига ёки ётоқхонасига ахлат ташламайди. Наҳотки уйимиз остонасидан хатлаб ўтгандан кейинги ҳудуд биз учун бегона бўлса?

Кўчага улоқтирилаётган ҳар бир чиқинди — бу бизнинг маданиятимиз, тарбиямиз ва келажак авлод олдидаги масъулиятимизга отилган тошдир. Фарзандларимизга тоза тизим, мусаффо табиат ва энг муҳими, юксак инсоний маданиятни мерос қилиб қолдирайлик. Бунинг учун эса бугундан, айна шу дақиқалардан бошлаб, қўлимиздаги чиқиндини фақат ва фақат махсус қутиларга ташлашни одат қилайлик.

Дилбар МАҲМУДОВА,
«Жамият»